



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (12.143)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### ХАЛҚАРО ТИББИЁТ КЎРГАЗМАСИ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, кўп йўналишли ва ихтисослаштирилган тиббий муассасалар ташкил этиш тамойилларига асосан соғлиқни сақлаш соҳасининг нобб миллий модели вужудга келтирилмоқда. Амалга оширилган ислохотлар туфайли Республикада бепул юқори малакали шошлинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими яратилди, қишлоқ врачлик пунктлари, перинатал ва скрининг марказларнинг кенг тармоғи ишлаб турибди.

Тармоқнинг моддий техника базасини яхшилашга доир муҳим дастурлар ва лойиҳалар амалга оширилди. Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, 2014 йил охирига қадар қишлоқ врачлик пунктларининг сонини 102 тага кўпайтириш режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон банки билан биргаликда «Саломатлик 3» лойиҳасини амалга ошира бошлади. Бу лойиҳада юзта туман тиббиёт бирлашмасини янги лаборатория,

ташхис, даволаш ва ёрдамчи ускуналар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Тез тиббий ёрдам, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳалар, шунингдек, моддий техника базасини мустаҳкамлаш чора-тadbирлари комплексини амалга ошириш режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси қўлланиладиган ускуналар, сарфланувчи материаллар ва препаратларгагина эмас, айти пайтда профессионал тиббий ходимлар тайёрлаш даражасига қўйиладиган талабларни ҳам анча оширади.

(Давоми 2-бетда)

**«Transinsurance plus» масъулияти чекланган жамияти суғурта компаниясида бўлажак мижозларга қулайлик яратиш мақсадида таклиф этиладиган суғурта маҳсулотлари билан танишиш ва шартнома тузиш учун ариза бериш имконини берадиган веб-сайт ташкил этилди.**

Мамлакатимизда 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Transinsurance plus» масъулияти чекланган жамияти мижозларга 40 турдаги хизматларни тақдим этмоқда, у умумий суғурта қилишнинг барча 17 тоифаси бўйича лицензияга эга. Транспорт воситалари, барча турдаги юклар, автомобиль эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги, темир йўл ҳаракати таркиби, касбий жавобгарлиқни суғурта қилиш ва бошқалар шулар жумласидандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 майда қабул қилинган «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

– Утган йиллар мобайнида суғурта хизматларини кўрсатиш ва мижозлар билан ишлаш соҳасида катта тажриба тўпладик, – дейди ЎЗА муҳбирига «Transinsurance plus» масъулияти чекланган жамияти бош директорининг ўринбосари Дилшодбек Умаров. – Компаниянинг низоми жамғармаси 1,8 миллион еврога ташкил этилди. Вилоят марказлари ва мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида 18 филиал фаолият кўрсатмоқда.

2012 йилнинг биринчи чорагида суғурта тўловлари 153 миллион сўмдан ошди. Юридик ва жисмоний шахслар билан 1840 та шартнома тузилди. Ўзбекистонда

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили ИШОНЧЛИ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ

ва унинг ташқарисида компаниянинг шериклари сони кўпаймоқда. Масалан, «Transurans» қўшма корхонаси, «Willis Ltd.», «AON Group», «Mobilus Re» каби таниқли суғурта ҳамда қайта суғурталовчи брокерлар орқали LLOYD'S синдикати, Хитойнинг «Willis China» фирмаси билан қайта суғурталаш тўғрисида шартномалар тузилган.

Компания стратегик вазибаларга мувофиқ ўз мижозлари талаб ва истакларини имкон қадар тўлиқ қаноатлантириш, молия активларининг барқарор ўсишини таъминлаш, жаҳон тажрибаси асосида янги техноло-

**ҚИСҚА САТРАЛДАРДА**  
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги 123-мактабда «Касб соҳаларини танлашда мустақил бўлинг»

мавуида битирувчи ёшлар учун учрашув уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Темирйўлчилар маданият саройида «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий рўйхатдан ўтказиш тизимидаги қонунчилик ҳужжатларини

амалга ошириш» масалаларига бағишланган тadbир бўлиб ўтади.

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИХ Олмазор туман бўлими Кенгаши туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат

фонди ҳамда «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ўрта махсус, таълим муассасаларида «Тўй-ҳашам ва маъракаларда исрофгарчиликнинг олдини олиш» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Р.БОНДАРЧУК

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 24 апрель куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тadbирда мамлакатимиз тadbиркорлари ҳамда Шанхай саноат ва савдо федерацияси таркибидаги қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.**

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ УЧРАШУВИ

Анжуманда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари вази-фасини бажарувчи С.Исанбаев мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда хитойлик ишбилармонларга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берилди. Ҳамкорликда кўплаб соҳаларда ўзаро манфатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасида келишиб олинди, шунингдек, қурилиш, транспорт, энергетика, спорт соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид масалалар кўриб чиқилди.

– Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик таъминланиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми муттасил ўсаётди, кенг қўламли таркибий ўзгаришлар ва бозор механизмларини мустаҳкамлаш ишлари изчил давом эттириляптир, – деди Хитойнинг «Shanghai Zhonglu Group» корпорацияси бошқаруви раиси Ченг Жун. – Хитойлик ишбилармонлар юртингизда самарали фаолият юритиш учун яратилган қулай шарт-шароитлардан мамнун. Мақсадимиз – мамлакатингиз фирма ва компаниялари, корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат.

### САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маслаҳат кенгаши Раиси Абдулла ал аш-Шайх раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси ва Ташқи ишлар вазирлигида учрашувлар ўтказилди.**

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланган ҳамкорлик бугун савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, парламентлараро алоқалар мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Мулоқотлар чоғида Саудия Арабистони делегацияси аъзолари Ўзбекистон истиклол йилларида ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида ул-

кан ютуқларни кўлга киритганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда тарихий-маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Саудиялик меҳмонлар пойтахтимиздаги Хазрати Имом (Ҳасимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида хикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(ЎЗА)

гик суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, халқаро алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Компания ходимлари учун соҳа мутахассислари томонидан ўтказиладиган тренинг ва семинарлар комплексини ўз ичига олувчи малака ошириш тизими яратилган.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига биноан компания томонидан жисмоний шахслар учун франшизасиз уй-жойларни ёнғин ва табиий офатлардан суғурта қилиш, уй-жой иншоотлари эгалари жавобгарлигини суғурта қилиш каби янги суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Зилзилалардан суғурта қилиш бундан мустаснодир. Масалан, кўпинча хонадонларда сув таъминоти тармоғи ёки канализация тизимидан сув сирқиб, ҳар қандай гилам қопламаси ва ҳаттоки, девор сувқоқлари кўчиб, яроқсиз холга келади. Бунинг устига, қуйи қаватда жойлашган бир неча хонадонларни сув босиб, уларга зарар етказилишига айбдор бўлишингиз ҳам мумкин. Бу эса, ўз навбатида, катта маблағ сарфлашни талаб қилади. Айниқса, бу ҳолатлар энди янги ҳаётни бошлаётган ёш оила хонадонидида содир бўлса, бундай суғурта турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолларда компания мутахассислари моддий зарарни ҳисоб-ки-тоб қилиб, зарур тавсиялар беради. Агарда мижоз экспертлар қароридан норози бўлса, мустақил баҳоловчи мутахассисни таклиф этиши мумкин.

Мухтасар айтганда, зарар миқдорини сифатли аниқлаш ва суғурта тўловларини ўз вақтида тўлаш «Transinsurance plus» суғурта компанияси қатъий амал қиладиган қоидалардир.



### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан мамлакатимизда ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда ОАВнинг ўрни ва роляга бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

• Андижон шаҳридаги «Ҳамкор» бизнес-марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги, «JM-Ўзбекистон» корхонаси ҳамкорлигида «Машинасозликда замонавий материаллар, техника ва технологиялар» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари «JM-Ўзбекистон» корхонаси, «УзСем Юнг», «Уздонг Ян Ко» қўшма корхоналарида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

• Сирдарёда «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгрок жорий қилиш ва ривожлантириш: устувор вазифа» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Унда турли давлат ва нодавлат ташкилотлар, банк, молия муассасалари, хусусий корхоналар вакиллари, экспертлар иштирок этди.

• Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Тасвирий санъат +5» ижодий ҳафталиги доирасидаги тadbирлар давом этмоқда. Жумладан, кеча халқ амалий санъати усталарининг миниатюра асарларидан иборат кўрғазма ташкил этилди.

### ЖАҲОНДА

• Республикачилар партиясидан АҚШ президентлигига номзод М.Ромни бешта штатда ўтказилган праймеризларда муваффақият қозониб, бўлғуси президент сайловларида Б.Обамага муносиб рақиб эканлигини исботлади.

• Кеча Лондондаги хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,55 долларга пасайиб, бир баррели 118,16 долларни ташкил этди. Нью-Йоркда ўтказилган савдолар чоғида эса WTI русумли нефтнинг нархи 0,44 долларга ошиб, бир баррели 103,55 доллардан иборат бўлди.

• Кеча Доғистонда ўтказилган махсус операция чоғида учта жангари йўқ қилинди.

• Малайзиянинг шимоли-ғарбий ҳудудида йирик кўмир кони топилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Ушбу коннинг заҳираси 32 миллиард тоннани ташкил этади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, янги кон мамлакат аҳолисини йигирма йил давомида кўмир билан таъминлаш имконини беради.

• Финляндия дўконларида болалар учун мўлжалланган заргарлик буюмлар суғурта савдоси тақиқланди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларга қараганда, тақин-чокларни тайёрлашда фойдаланиладиган кадимий кимёвий моддаси турли хасталикларни келтириб чиқармоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, болалар тақадиган бундай безаклар ўзидан заҳарли модда чиқариб, буйрак ва жигарни заҳарлайди. Тadbиротлар натижасида организм заҳарланиши ва суяклар емирилиши ҳолатлари ҳам аниқланган.





Спорт

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Жорий йилнинг 25 май кунидан Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати старт олади.

Ушбу нуфузли турнирда совринли ўринлардан бирига астойдил даввогарлик қилаётган испаниялик мутахассис Мендес бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси айни кунларда Эронда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этмоқда.

Дастлабки баҳсда томонлар 2:2 натижасини қайд этиб муроса йўлини танлаган бўлса, иккинчи ўйинда мезбонларнинг қўли баланд келди.

Дарвоқе, Ўзбекистон терма жамоаси 11 майга қадар Эронда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этади. Осиё чемпионати бошланишидан икки hafta олдин эса футболчиларимиз Испанияга йўл олишади.

Акбар Йўлдошев

«Лондон – 2012»

МАЙДОНДА ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР

Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан Тошкент халқаро мактабида Лондон Олимпиадаси олдидан болалар ўртасида футбол бўйича мини-турнир ташкил этилди.

Олимпиада ўйинлари дастурида футбол алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, халқаро майдонда Ўзбек футболининг нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бермоқда.

— XXX ёзги Олимпиада ўйинларида бағишланган ушбу турнир ёшлар ўртасида футболни оммалаштириш, уларга ушбу нуфузли мусобақа ҳақида кенгроқ маълумот бериш мақсадида ташкил этилди, — дейди Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги миссияси раҳбарининг ўринбосари Элисон Бекет хоним.

(ЎзА)



Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар

Қарор ва ижро

МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Наврўз садолари» кўп овозли миллий чолғу ансамбллари V республика фестивали бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Бастакорлар уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивалда юртимизнинг барча худудларидаги эллиқдан зиёд музыка мактаблари, санъатга ихтисослаштирилган ўрта махсус таълим даргоҳларининг ижодий жамоалари қатнашди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Д.Муродова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С.Иномова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислохотларда музыка санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истеъдодли композитор Мухтор Ашрафий ўзбек музыка санъати ривожига улкан ҳисса қўшган кишилардан бири ҳисобланади. У 1912 йил 11 июнда Бухорода дунёга келди.

М. Ашрафий ўзининг «Бўрон» (1939й.), «Дилором» (1958й.), «Шоир юраги» (1962й.) опералари, «Севги тумори» (1969й.), «Темур Малик» (1970й.), «Жасорат» (1971й.), «Муҳаббат ва қилич» (1973й.) балетлари, «Қахрамонлар» (1942й.) симфонияси, «Рустам ҳақида дoston» (1974й.) ораторияси, сахналаштирилган театр ва фильмларга басталанган мусиқаси билан тарихда ўчмас из қолдирди.

Архивлар фаолиятдан

САНЪАТ ДУРДОНАЛАРИ

Тошкент шаҳар давлат архивда сақланган М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси фонднинг ҳужжатлари орасида М. Ашрафийнинг ўндан ортиқ илмий асарлари ва ўзбек музыка санъатини жаҳон оммасига кенг тарғиб этган профессор-ўқитувчилар, композиторнинг устозлари ва шогирдларининг шахсий йиғмажидлари, илмий асарлари ва ижод намуналари кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинмоқда.

Яқин кунларда буюк композиторнинг 100 йиллиги тавааллудини муносиб нишонлаш мақсадида Тошкент шаҳар давлат архиви ҳужжатларидан фойдаланиб Ўзбекистон композиторлари уюшмаси,

М. Ашрафий уй-музеи билан ҳамкорликда «Барҳаёт наволар ижодкори» архив ҳужжатлар кўргазмаси ташкил этилади. Унда ижодкорнинг фаолиятига бағишланган маърузалар тингланади ва композиторнинг асарлари асосида концерт дастури ташкил этилиб, консерватория устозлари ва талабалари томонидан мусиқий чиқишлар қилинади.

Алижон МАҲКАМОВ, Тошкент шаҳар Давлат архиви директори

XX асрнинг 30-40-йилларида ўзбек композиторлари М. Ашрафий, Т. Содиқов, М. Бурҳонов, Т. Жалилов, С. Юдаковларнинг замонавий шарқ ва Европа мусиқа асбоблари уйғунлигидаги ўндан ортиқ опера асарлари С. Василенко, Р. Глиэр, Е. Брусиловский, М. Штейнберг, В. Успенский, М. Вайнберг, Г. Мишель каби буюк бастакорлар ҳамкорлигида яратилди.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Шубҳа ичдан емиради.

Ақлсизнинг ўзининг ақлсизлигига ҳам ақли етмайди.

Ўзини кўрсатишга ўқлик — инсоннинг энг ёмон хусусияти.

Ақли деб аташларини ҳамма хоҳлайди-ю, лекин ҳамма ҳам ақлли бўлишга интирмайди.

Ақл туғма бўлади, билим эгалланади.

Инсон онадан яхши ёки ёмон бўлиб туғилади, яъни яхшилик ёки ёмонлик унинг жавҳарида бўлади. Тўғри, яхши одам ҳам ёмон иш қилиши мумкин, лекин унинг ўзи эмас, ўша иши ёмон. Айни пайтда, ёмон ҳам яхши хислатлардан холи эмас.

Табиий хислатлар туғма бўлади.

Биттагина нодон мингта донони девона қилади.

Дўстни кўчадан изламайдилар.

Нодондан нажот қутма.

Бировнинг ақли ақлгарлик қилмайди.

Ҳамма ҳам меҳнати муносиб кадрланишини истайди.

Меҳнатнинг кадрланмаслиги ҳафсаланган пир қилади.

Бахтга ҳамиша бир баҳя етмайди.

Одам боласи ҳамиша кечикиб юриди.

Тушкун кимса учун бу дунёда қувонч йўқ.

Феъли ёмон — топмас омон.

Аҳмоқ ақл ўргатади.

Ақли киши ҳар кимдан бир нима ўрганади.

Ким йўғига ҳам шукр қилади, ким бориға ҳам шукр қилмайди.

Туғма хуснға ҳам парвариш керак.

Хафа қилиш осон, хурсанд қилиш қийин.

Ўзига кучи етмаган бошқага осилади.

Осон йўлдан юриш ҳамманинғ ҳам қўлидан келади.

Ҳаёт кишини нималарға мажбур қилмайди.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Advertisement for 'Uzgidromet' (Ўзгидромет) featuring a logo and text about monitoring services.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Advertisement for 'REALTOR GARANT BUSINESS' MCH, including a table of services and contact information.

Advertisement for 'Uzgidromet' (Ўзгидромет) with detailed text about monitoring and reporting services.